

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336:658.26(575.1)**

ЖАЛИЛОВ ПАНЖИ ТОЙИРОВИЧ

**Энергетика корхоналарининг молиявий
барқарорлигини таъминлаш масалалари**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”
иҳтинослиги**

**Иктисад фанлари номзоди
илемий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2007

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Маликов Тохир Сатторович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Олимжонов Одил Олимович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Мухитдинов Ҳаким Асрорович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 ракамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2007 йил "23 ~~10.05.06~~" соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси 16-й. Мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг энергетика тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб, мамлакатимиз энергетика масаласида ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакатта айланди. Жаҳонда энергия ресурсларининг танқислиги ва нархи мунтазам ошиб бораётган ҳозирги шароитда бу катта ижтимоий-иктисодий аҳамиятта эга бўлган ҳолдир. Бундай ҳолат бизга нодир ва тикланмайдиган ресурсларимизга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш хукукини бермайди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Энергия ресурсларини тежашни асло кечикириб бўлмайдиган вазифа деб қабул қилишимиз, шунинг ҳисобидан товарлар, хизматларнинг нархини пасайтиришимиз ва иқтисодиётимизнинг ўсишини таъминлашимиз лозим»¹.

Иқтисодиётни эркинлашуви босқичида хўжалик юритиш жараёнида молиявий барқарорликка эришиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу талаб ташкилий-хукукий шаклидан қатъий-назар барча хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан, иқтисодиётнинг энергетика тармоғида фаолият кўрсатаётган корхоналарга тегишилдири.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатда электроэнергия баҳоларининг даражаси узок муддатли чегаравий харажатларнинг фақат бир қисминигина ташкил этиб, энергетика тармоғидан иқтисодиёт бошқа тармоқларини яширия субсидиялаштириш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Мамлакатнинг энергетика мустақиллигини таъминлаш мақсадида салмоқли кредитлар олинган бўлса-да, энергетика тармоғи ўз-ўзини қоплай олиш салоҳиятига эга бўлмаётганлиги учун четдан олинган қарзларни қайтариш муаммоли масалага айланмоқда.

Бунга кўшимишча равища тармоқда тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик муаммоси нисбатан кенг тарқалган. Баъзи бир энергетика секторларида нотўловларнинг даражаси барча тақдим этилган тўлов талабномаларининг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар интизомининг бузилиш ҳоллари давом этмоқда, етказиб берилган электр энергияси учун тўловни ўз вақтида амалга оширгмаган истеъмолчиларни энергия манбаидан узиб қўйишга доир талаблар бажарилмаяпти. Тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларининг суммаси ортмоқда. Берилаётган ва истеъмол қилинаётган электр энергиясини ҳисобга олишининг мақбул тизими ҳамон мавжуд эмас. Томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турувчи амалдаги ҳисоб-китоблар механизми эскирган. Амалиётдаги тўлов тизими истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган энергия учун маблагларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши учун зарур даражадаги жавобгарликни таъминламаяпти.

Ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш ва қайта инвестициялаштириш кўрсаткичларининг нисбатан паст бўлиши оқибатида тармоқ корхоналарида

¹ Каримов И.А. Эришилган ютукларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи», 2006 йил 11 февраль.

фойдаланилаётган асосий фондларнинг катта қисми жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган бўлиб, уларни зудлик билан алмаштириш зарурияти вужудга келган.

Электр энергиясининг паст баҳода эканлиги иқтисодиётнинг барча тармоқларида ундан оммавий самарасиз фойдаланишга олиб келмокда, иқтисодиётнинг энергияни истеммол қилиши интенсивлиги юкори даражада қолмокда. «Тан олиш керакки, бизда бу муаммо билан ҳеч ким тизимли равишда жиддий шугулланмаяпти. Ҳатто бутун ҳам, худди 15 йил илгари бўлганидек, республика саноат корхоналарида энергия сарфи жаҳондаги ўртacha кўрсаткичдан 2-2,5 марта ортиқ экани ҳеч кимни ташвишга солмаяпти»². Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу масалага бир неча бор алоҳида аҳамият берилганлигига қарамасдан ҳамон вазият сезиларли даражада ўзгартмаяпти.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги «энергияни тежаш бўйича иқтисодий рағбатлантириш чораларини янада такомиллаштириш, бунда молиявий-иктисодий, солиқ воситалари ва механизmlари тизимидан кенг фойдаланиш»³ зарурлиги билан белгиланаётган вазифанинг ҳозирда кун тартибига кўйилганлиги билан ҳам белгиланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари А.Смит, Ж.Кейнс, А.Маршалл, Р.Гильфердинг, Ж.Хикс, А.Пигу, Р.Дорнбуш, С.Фишер, П.Самуэльсон, Эд.Долан, Ж.Матук ва бошқалар томонидан умумий тарзда тадқиқ этилган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бу масалани ёритишда россиялик иқтисодчи-олимлардан Д.Моляков, П.Никольский, М.Шерменев, А.Александров, П.Жевтjak, М.Романовский, В.Колесников, Е.Михайлова, Т.Кроливецкая, Л.Наумова, Г.Панова, Н.Марголина, О.Врублевская, О.Лаврушин, Я.Миркин, И.Дышкант, А.Козак ва бошқаларнинг илмий хизматлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбек иқтисодий адабиётида бевосита ва фақат молиявий барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишлиланган илмий ишлар кўп бўлмаса-да, иқтисодчи-олимларнинг бир гурухи ўз илмий ишларининг маълум бир қисмида шу билан боғлиқ бўлган масалаларни ёритишга ҳаракат қилганлар. Шу маънода корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларининг айrim жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан Д.Фозибеков, А.Қодиров, М.Шарифхўжаев, О.Олимжонов, Н.Ҳайдаров, М.Тўлахўжаева, Н.Жўраев, А.Пардаев, О.Иминов, А.Абдуллаев, О.Номозовларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Шунингдек, ўзбек иқтисодий адабиётида энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари маҳсус тадқиқот обьекти сифатида танланмаган. Холбуки, бу тармок корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш ўзига хос бўлган ҳарактерли хусусиятларга эгадир.

² Каримов И.А. Эришилган ютукларни мустахкамлаб, янги мэрралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи». 2006 йил 11 февраль.

³ Ўша ерда.

Юкорида баён қилингандарнинг барчаси танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб бериб, унга бағишиланган маҳсус тадқиқот ишларини амалга оширишни тақоза этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасидаги энергетика корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолаш асосида электроэнергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишини ёзишда унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар кўйилган:

- мустакиллик йилларида Ўзбекистон энергетика тармоғининг ривожланишини таҳлил қилиш ва молиявий хўжалик фаолиятини баҳолаш;

- энергетика корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланган ҳолда тармок корхоналарининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш;

- энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган омилларни аниқлаш;

- яқин келажакда энергетика корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаш;

- молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан тармоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва хусусийлаштириш, нотўловларга барҳам бериш, тарифлар даражасини ошириш ва самарали фаолият кўрсатиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот обьекти Ўзбекистон Республикаси энергетика корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятидир.

Тадқиқот предмети Ўзбекистон Республикаси энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот усуслари. Диссертацияда иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, қиёслаш, гурӯхлаш ва бошқа статистик усуслар кўлланилди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ҳозирги шароит ва яқин келажакда амал қилиш лозим бўлган Ҳаракат дастурининг лойиҳаси ишлаб чиқилди;

- энергетика тармоғининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичларнинг тақомиллашган тизими ишлаб чиқилди;

– энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар аниқланди ва уларнинг таъсиричанлигини минималлаштириш чоралари таклиф этилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тадқикот обьекти сифатида энергетика корхоналарининг молиявий ҳолати олингандлиги, унга тегишили бўлган ўзига хос хусусиятларнинг аниқланганлиги, тармоқ корхоналарининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқланганлиги ва уларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги шароитда энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишларининг белгиланганлиги ва илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилганлиги амалга оширилган тадқиқотнинг илмий янгилигини белгилаб беради.

Илмий янгилиги:

- мустақиллик йилларида Ўзбекистон энергетика тармоғининг ривожланиш тенденциялари аниқланди ва тармоқнинг ривожланиш даражаси баҳоланди;
- энергетика корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва тармоқ корхоналарининг молиявий ахволини яхшилашга қаратилган илмий хуносалар ишлаб чиқилди;
- энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар – тармоқ корхоналарининг самараасиз фаолият кўрсатаётгандлиги, хорижий инвестиция маблағларини давлатнинг кафолати остида олингандлиги учун тармоқ корхоналарида бокимандачилик кайфиятининг устунлиги, корхоналар асосий фондлари катта қисмининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргандлиги, тармоқ корхоналарининг маҳсулотига нисбатан паст тарифларнинг белгиланаётгандлиги, катта ҳажмдаги нотўловларнинг мавжудлиги аниқланди ва уларнинг таъсиричанлигини минималлаштириш чоралари белгиланди;
- иқтисодиётни модернизациялаш босқичида энергетика корхоналари молиявий барқарорлигини таъминловчи йўналишлар гурухларга ажратилди ва ягона бир тизимга келтирилди;
- молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган тармоқда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва хусусийлаштириш, нотўловларга барҳам бериш, тарифлар даражасини ошириш ва самарали фаолият кўрсатиш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган муаллиф томонидан энергетика тармоғининг Ҳаракат дастури лойихаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан «Ўзбекэнерго» ДАК тизимида фаолият кўрсатаётган энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда, хусусан, тармоқдаги вазиятни комплекс яхшилаш мақсадида маҳсус

Дастурларни яратишда, энергетика тармоғидаги корхоналар учун тариф сиёсатини ишлаб чиқишида, тармоқ корхоналари доирасида иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва хусусийлаштириш, мавжуд нотўловлар муаммосига барҳам бериш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишида, шунингдек, олий ўқув юртларида «Молия», «Корхоналар молияси», «Инвестицияларни молиялаштириш», «Корхоналар иқтисодиёти» фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертант томонидан ишлаб чиқилган ва амалий аҳамиятга эга бўлган айrim таклиф ва тавсиялар «Ўзбекэнерго» ДАҚ тизимидағи корхоналарда фойдаланиш учун қабул қилинган (25.09.2007 даги АФ-01-21/2437-сонли маълумотнома).

Ишнинг синондан ўтиши. Амалга оширилган тадқиқотнинг асосий илмий гоялари «Иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чукурлаштириш шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишининг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2003), «Солиқ сиёсатини янада тақомиллаштириш – принципиал мухим устувор вазифа» (Тошкент, 2005), «Талаба-ёшлар тадқиқотларида солиқ тизимини ислоҳ қилинганинг илмий асослари» (Тошкент, 2005), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясида «XVII Международное Плехановские чтение» (Москва, 2004), «Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада тақомиллаштириш йўллари» (Тошкент, 2006) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда мухокама қилинган ва маъкулланган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Молия институти бирлашган семинарларида ва Банк-молия академиясининг илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида мухокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганилиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни, илмий гоя ва амалий тавсиялари умумий ҳажми 2,0 б.т.дан кўп бўлган 5 та илмий мақола ва 4 та тезисларда ўз аксини топган.

Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 114 бетдан иборат бўлиб, унда 20 та жадвал ва 30 бетдан иборат 15 та илова мавжуд.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ҳар бир мамлакат энергетика тармоғининг ривожланишига караб унинг иқтисодий ва техникавий жиҳатдан тараққий этганлигини аниқлаш мумкин. Мамлакатда энергетика саноатининг ривожланганилиги электр энергия ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва мамлакат аҳолиси жон бошига истеъмол қилинадиган электр энергиясининг миқдори билан белгиланади. Энергетиканинг ривожланиши, бир томондан, арzon ва қулаг табиий энергетик ресурсларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, у энергияни истеъмол килувчи объектларга ҳам боғликдир.

Энергетика сектори Ўзбекистонда стратегик аҳамиятта эга бўлиб, давлатта тегишли ҳисобланади. Энергетика соҳасидаги давлат сиёсати Ёқилги Энергетика Комплекси томонидан амалга оширилади. Энергетика соҳасида қабул қилинадиган сиёсий қарорлар, шу жумладан, унинг таркибий тузилиши, секторга раҳбарликнинг мазмуни ва шакли, баҳоларни шакллантириш, бўлинмаларнинг эксплуатацион-хўжалик корпоратив тузилмалари, хусусийлаштириш ва хусусий шахсларнинг иштирокига тегишли бўлган қарорлар давлат даражасида қабул қилинади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш боскичида республикамиз энергетика тармоғининг ривожланиш тенденциялари куйидаги кўринишга эга бўлди (1-жадвал).

1- жадвал

**Ўзбекистон Республикаси саноати тармоғининг таркибий тузилиши
ва унда энергетика тармоғининг салмоғи⁴, (% ҳисобида)**

Т.р.		2002	2003	2004	2005	2006	Ўргача
1.	Электроэнергетика	8,5	8,1	7,7	9,2	10,8	8,9
2.	Ёқилғи	15,3	13,2	13,4	12,5	13,3	15,5
3.	Кора металлургия	1,3	1,4	1,5	1,8	2,6	1,7
4.	Рангли металлургия	10,2	10,9	13,4	15,2	15,3	13,0
5.	Кимё	6,0	6,0	5,9	5,7	5,6	5,8
6.	Машинасозлик	9,9	11,2	10,3	11,8	12,0	11,0
7.	Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш	-	-	-	1,0	1,0	1,0
8.	Қурилиш материаллари	5,4	5,2	4,6	4,4	4,1	4,7
9.	Енгил саноат	19,1	20,0	19,5	20,3	19,4	19,7
10.	Озиқ-овқат	13,3	12,6	11,4	11,7	9,6	11,9
12.	Бошқалар	11,0	11,4	9,4	6,4	6,3	8,9
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, Ўзбекистон энергетикаси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи таркибидаги мухим ўрин эгалловчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Мазкур тармоқнинг молиявий баркарорлигини таъминлаш ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик масаладир.

Диссертант тадқиқот ишида республикамиз энергетика тармоғининг ривожланиш даражасини характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиб, энергетика тармоғининг ривожланишида тармоқ доирасида асосий капиталга киритилган сармоялар ҳажми ва тармоқдаги технологик жарабёнларни замонавий воситалар билан таъминлаши мухим ўрин тутишини таъкидлаган. Тадқиқотлар кўрсатишича, мамлакатимиздаги барча электростанцияларнинг асосий капитали жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган бўлиб, уларнинг барчаси реконструкция қилинишни тақоза этмоқда. Хорижлик экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда 3–5 йил мобайнида иссиқлик электростанциялари асосий капиталини янгилаш учун 1–1,5 млрд. АҚШ долларидаги маблағларни инвестициялаш зарур ҳисобланади. Агар

⁴ Жадвал диссертант томонидан «Экономика Ўзбекистана. Аналитический обзор за 2005 г.», 2006 йил 8-сон, 45- ва 57-бетдаги маълумотлар асосида тузилди.

Ўзбекистондаги электр энергиянинг 90,0% иссиқлик электростанцияларида ишлаб чиқарилётганлигини инобатта оладиган бўлсак, уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг юқори эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Таҳдиллар кўрсатишича, энергетикадаги мураккаб ҳолат ресурслар билан таъминланиш етарли даражада бўлмаганлиги учун уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ҳозирги даражасини ушлаб туриш учун зарур бўлган даражасидан анча оздир. Юқоридаги сабабларга кўра, электр станциялар ва улардаги ускуналарнинг тўхтовсиз ишлапши ёки хавфсизлик ҳолати талаб даражасидан орқада қолмоқда. Шунингдек, ёз, киш фаслининг айрим кунларида электр энергияга бўлган талаб ортиб, энергетика тизими бу талабни қондираолмаяпти.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида Ўзбекистон миқёсида иқтисодиётнинг энергияни истеъмол қилиш интенсивлигининг жуда юқорилиги ташвишли ҳолдир. Чунки, республикадаги бу кўрсаткич дунёning кўпгина мамлакатларига нисбатан бир неча баробар юкоридир.

2-жадвалда келтирилган маълумотлар Ўзбекистоннинг энергетика тармоғидаги ҳолатни умумий тарзда характерлаб, унда молиявий барқарорликни таъминлаш соҳасида қатор муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади.

2-жадвал

Ўзбекистон энергетика тармоғининг фаолиятини характерлайдиган кўрсаткичларнинг 2002-2006 йиллардаги ўзгариши⁵

T.р.		2002	2003	2004	2005	2006
1.	Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш корхоналари	78	81	110	117	119
1.	Электр энергия ишлаб чиқариш, млрд.кВт.соатда	46,9	47,9	49,3	48,7	49,6
2.	Тармоқдаги а) иқтисодий начор корхоналар сони б) зарап кўриб ишлётган корхоналар сони в) умумий заарнинг миқдори, млрд. сўмда	13 5 1,6	13 6 1,8	25 21 3,2	23 4 7,7	15 - -
3.	Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажмида электр энергияси таъминоти саломги: а) пуллик хизмат ҳажми, млрд. сўмда б) умумий хизмат ҳажмидаги улуши, % хисобида	17,0 5,5	22,7 4,8	30,4 4,3	49,1 5,1	61,1 4,1

2-жадвалда келтирилган статистик маълумотлар Ўзбекистон саноатининг энергетика тармоғидаги вазиятни акс эттиради. Тармоқда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш билан шугуулланувчи корхоналар сонининг 78 тадан 119 тагача кўпайиши, жумладан, энергетика тармоғида содир бўлаётган таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Тармоқдаги умумий заарлар миқдорининг 2006 йилга келиб

⁵ Диссертант томонидан “Ўзбекэнерго” ДАК маълумотлари асосида тузилган.

тутатилганлигига қарамасдан фаолият кўрсатаётган иқтисодий ночор корхоналар сонида жиддий ўзгаришлар содир бўлмаган.

Амалга оширилган таҳлил натижалари кўрсатишича, энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусияти Ўзбекистондаги энергетика ресурсларининг катта ҳажмдалиги билан характерланади. Мамлакатда энергетика тармоғининг катта салоҳияти ва мавжуд имкониятидан бошқа мақсадлар ва йўналишларда фойдаланишга сабаб бўлмоқда.

Бизнинг фикримизча, мамлакатда амалга оширилаётган энергетика сиёсатини жиддий таҳлил қилиш ва унга тегишли ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, энергетика ресурсларининг нисбатан кўплиги ҳисобга олинниб, иқтисодиётнинг бу тармоғига тегишли бўлган ресурслардан бошқа тармоқларни яширин субсидиялаштиришда ҳозирги даврда шу тармоққа тегишли корхоналарни ночор молиявий ҳолатда эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Иккинчидан, ўтиш даврида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун энергетика тармоғининг ресурсларидан фойдаланилаётганлигини ўтиборга олиш керак.

Учинчидан, «мамлакатда энергетика ресурсларининг нисбатан кўплиги» масаласига нисбатан ҳам аниқлик киритмоқ лозим. Чунки Президент И.А.Каримов қайд этганидек, «Энергетика масаласида Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланади. Бироқ, бу бизга кимматбаҳо, қайта тикланмайдиган ресурсларга хўжасизларча муносабатда бўлиш хуқукини бермайди. Бу ноёб бойликларда болаларимиз, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳаққи борлигини доимо ёдда тутишимиз ва бу ҳақда бош котиришимиз зарур»⁶.

Энергетика ресурслари катта захираларининг мавжудлиги, ундан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини яширин субсидиялаштириш сифатида фойдаланилаётганлиги тармоқ корхоналарининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини исботлайди.

Кейинги йилларда республикамиз энергетика корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, бизнинг фикримизча, республикамиздаги бирламчи энергетика ресурслари баҳосининг жаҳон бозори баҳосидан паст даражада эканлиги билан белгиланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим хусусиятларидан бири электр энергияси учун нотўловлар муаммосининг мавжудлиги ҳисобланади. Электроэнергетиканинг баъзи секторларида нотўловларнинг ҳажми тўланиши керак бўлган суммаларнинг ярмидан кўпроқ бўлган кисмини ташкил этмоқда ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларнинг

⁶ Каримов И.А. Эришишган ютуқларни мустаҳкамлааб, янги марралар сари изчили ҳаракат қилишимиз лозим. «Халик сўзи», 2006 йил 11 февраль

бартер схемаси нисбатан кенг кўлланилмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси энергетика тармоғида ўз-ўзини қоплаш ва қайта инвестициялаштириш коэффициентларининг паст бўлишини, тармок корхоналарига тегишли бўлган асосий капиталнинг эскирганлиги ва уларни зудлик билан қайта таъмираш ёки янгиси билан алмаштириш зарурлигини тақоза этмоқда.

Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини арzon баҳодаги электр энергиясини катта масштабда самараасиз фойдаланилаётганлиги ҳам белгилаб беради. Умуман, мамлакатимиз иқтисодиётини барча тармоқларида электр энергиясидан самараасиз фойдаланилмоқда. «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотларига кўра, техникавий ва тижорий йўқотмалар ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 18 фоизгача бўлган қисмини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич унинг табиий даражаси бўлган 10 фоиздан ва бошқа мамлакатлардаги худди шундай кўрсаткичдан анча юқоридир. Бундай ҳолатнинг мавжуд эканлиги электр энергияси баҳосининг нисбатан арzonлиги ва нотўловларнинг мавжудлигига кўшимча равишда электр энергиясидан самараали фойдаланишга бўлган қизиқишини пасайтиради. Электроэнергетика секторида хисоблагичлар мавжуд бўлишига қарамасдан уларнинг аксарияти узок муддатлардан бўён ишлаб келаётганлиги учун ва юкламаларнинг оргтанлиги сабабли етарли даражада ишламасдан келаяпти. Буларнинг барчаси, оқибат натижада, энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга ўзининг бевосита таъсирини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган таҳлиллар амалдаги энергетика корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида худди шу мақсадлар учун кўлланилиб келинаётган кўрсаткичлардан мутлако фарқ қиласлигини кўрсатди. Тадқиқотчи назарида, бунинг худди шундай бўлиши кераклиги, табиийдир. Умумий тарзда корхоналар молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил бўлиши керак.

Шунингдек, энергетика корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар маълум бир ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Ўзига хослик энергетика тармоғи корхоналарида ишлаб чиқариш ва реализация жараёнларининг хусусиятларидан келиб чиқади.

Амалга оширилган таҳлиллар иқтисодиётни эркинлаштириш боскичидаги энергетика корхоналарининг молиявий ҳолатини характерлайдиган кўрсаткичлар тизими қўйидагилардан иборат эканлигини кўрсатди: а) энергетика корхоналари балансининг таркиби ва тузилишига оид кўрсаткичлар; б) энергетика корхоналари молиявий маблағлари манбаларининг таркибий тузилиши ва ўзгаришини характерлайдиган кўрсаткичлар; в) энергетика корхоналарига тегишли бўлган ўз айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар; г) энергетика корхоналари мавжуд айланма маблағларининг таркибий тузилишини кўрсатувчи кўрсаткичлар; д) энергетика корхоналарининг кредиторлик қарзларини акс эттирувчи

кўрсаткичлар; е) энергетика корхоналарининг дебиторлик қарзларини ифодаловчи кўрсаткичлар; ё) энергетика корхоналарининг тўлов қобилиятини характерлайдиган кўрсаткичлар.

Диссертация ишида юкоридаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилган ҳолда энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигига баҳо берилган ва ҳозирдаги ҳолатини характерлайдиган кўйидаги хуласаларнинг шакллантиришга муваффақ бўлинган:

1. “Ўзбекэнерго” ДАК корхоналарига тегишли бўлган жами активларнинг таркибида жорий активлар салмоғининг ортиши товар-моддий захиралари ва дебиторлар салмоғининг ўсиши ҳисобига эришилган;

2. Шу корхоналарга тегишли бўлган жами пассивларнинг таркибида мажбуриятлар салмоғининг ошиши, кредиторлар салмоғининг кўпайиши ҳисобидан содир бўлган;

3. Энергетика корхоналарида товар-моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг етарли эмаслиги хос бўлиб, бу кўрсаткичининг даражаси таҳлил даврида мунтазам равишда манфий белгига эгадир;

4. Таҳлил килинаётган даврда энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини характерлайдиган молиявий мустақиллик коэффициенти пасайиш тенденциясига эга бўлган.

5. “Ўзбекэнерго” ДАК корхоналари учун қарз тўлов мажбуриятларининг тўлов маблагларидан кўплиги характерлидир. Тўланиши лозим бўлган тўлов мажбуриятларининг суммаси 2001-2005 йиллар мобайнида муттасил равишда ўсиб борган;

6. “Ўзбекэнерго” ДАК корхоналарининг тўлов лаёкатини характерлайдиган коэффициентлар учун беқарорлик хос;

7. Энергетика корхоналари баланси актив ва пассивларнинг ҳаракатчанлик кўрсаткичлари тўлаш учун маблағларнинг етарлилиги нуқтаи-назаридан қаралганда асосий эътибор доимий ҳаракатдаги активларнинг кисқа муддатли пассивларга бўлган нисбатига қаратилиши керак;

8. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида энергетика корхоналарининг умумий рентабеллик даражаси 8-10% атрофида тебранган бўлишига қарамасдан, ушбу корхоналарнинг молиявий барқарорлик даражаси бозор иқтисодиётининг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Ҳозирги шароитда ва яқин келажакда, диссертантнинг фикрича, энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммосини бу тармоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштирасдан ва хусусийлаштириш муаммоларини ҳал этмасдан туриб ечиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш тармок корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишидир.

Диссертантнинг фикрича, энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан тармок доирасида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришда кўйидагиларга алоҳида эътибор бермок

лозим: а) электроэнергетика тармоғида бошқарув тизимининг юқори даражада марказлаштирилганлиги ва унинг мураккаблиги; б) электроэнергияни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг юқори даражада монополлашганлиги; в) электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашдаги йўқотмаларнинг кўплиги; г) электр энергиясини тежабтергаб, иқтисод килиш ва ундан самарали фойдаланишини рағбатлантиришни таъсирчан эмаслиги; д) электр энергияси хизматларини тақдим этиш сифатининг ёмонлашуви; е) электр энергиясини ишлаб чиқариш ва электр тармоқларини янада ривожлантириш, техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция килиш учун етарли бўлган ички ресурсларни жамғариш имкониятининг йўқлиги.

Бизнинг фикримизча, бир вақтнинг ўзида энергетика корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва хусусийлаштиришни босқичмабосқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда муаллиф қуидагиларни таклиф этади: 1) иссиқлик электр станциялари ва минтақавий тақсимлаш тармоқларини босқичмабосқич акциялаштириш; 2) катта электр энергия ишлаб чиқарувчи корпоратив бирлашмаларнинг 49 фоизгача бўлган капиталларини инвесторларга таклиф килиш; 3) дастлаб «Ўзбекэнерго» ДАКнинг таркибида бўлган ва лойиҳалаштириш, курилиш ҳамда таъмирлаш ишларини бажариб келган корхона ва ташқилотларнинг энг камидаги 75 фоиз акциясини сотиш; 4) иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий фондларини ва уларнинг эксплуатация килиниш жавобгарлигини маҳаллий ҳокимият органларига бериш; 5) «Ўзбекэнерго»га тегишли ва хусусийлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий инфраструктура объектларини аниқлаша ва тегишли ишларни расмийлаштириш.

Бизнинг фикримизча, электроэнергетика тизимининг асосий компонентлари тўлиқ давлатнинг ихтиёрида қолиб, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг жавобгарлигига бўлмоғи лозим. Бу асосий компонентлар барча электростанцияларни, энергетиканинг коммуникацион тизимларини, электр тармоқлари узатмаларини ўз ичига олиб, улар электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ бўлган бошқарув жараёнларидан иборат бўлиши керак.

Амалга оширилган таҳлил натижалари электроэнергетика индустрисининг амалдаги таркибий тузилиши сектордаги мавжуд монополистик ҳолатни тугатиш талабига жавоб бермаслигини кўрсатди. Тармоқдаги ўтказилган ислоҳотларга карамасдан, «Ўзбекэнерго» ДАК амалда кучли монополист сифатида қолмоқда. Шу билан бир қаторда, тармоққа тегишли бўлган акциялар пакетининг оз қисмини хусусий секторга таклиф қилинаётганлиги сабабли «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ягона ўзи хусусийлаштирилиши мумкин бўлган электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг акциялар пакетини сотиб олувчи ва уларнинг эгаси бўлиб қолаверади. Бизнинг фикримизча, электроэнергетика индустрисининг ҳозирги самарасиз таркибий тузилмасини қайта кўриб чиқиши лозим.

Бунинг учун электроэнергетика соҳасида бозор иқтисодиётининг қоидаларини кўллаш учун қуидагиларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, «Ўзбекэнерго» ДАК электр энергиясини ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлардан электр энергиясини сотиб олмаслиги ва уни таҳсилотчи хўжалик юритувчи субъектларга сотмаслиги керак. Бизнингча, «Ўзбекэнерго» ДАК электр энергияни узатиш борасида хизмат кўрсатувчи компанияга айланмоғи лозим.

Иккинчидан, электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва таҳсилотчи хўжалик юритувчи субъектлар бир-бирлари билан электр энергиясини сотиб олиш бўйича битимга мувофиқ равишда бевосита шартномавий муносабатларга киришишлари керак. Уларнинг бу ҳолати эса тартибга солувчи Агентликнинг назорати остида бўлмоғи лозим.

Учинчидан, тармоқда хусусийлаштириш ишларини амалга ошириш даврида электр энергияни ишлаб чиқариш ва таҳсилаш бўйича фаолиятни «Ўзбекэнерго» ДАКдан ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, электроэнергетика тармоғи таркибий тузилмасининг асоси учун тармоқдаги алоҳида корхоналар ва тармоқнинг молиявий хаётйчанлиги муҳим аҳамият касб этиши керак.

Тадқиқотчининг фикрича, юқоридаги тамоилиларни инобатта олган ҳолда Ўзбекистонда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва шу мақсадлар учун зарур бўлган молиялаштириш маблағларини жалб этиш учун амалий қадамлар ташланмоғи керак.

Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун хусусийлаштиришга бўлган ёндошувни аниқлаб олиш лозим. Бизнинг назаримизда, инвесторлар учун хукумат томонидан акциялар пакетининг факат кичик қисми таклиф этилмаслиги керак.

Молиявий барқарорлашувни таъминловчи омиллардан бири Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги инвесторларнинг капитали учун ракобатлашаётган мамлакатлардан бири эканлигидир. Шунинг учун ҳам хорижий инвесторларни жалб этиш учун Ўзбекистон хукумати электроэнергетика секторига катта ҳажмдаги капитални жалб қилиш мақсадида хорижий инвесторларнинг эътиборига юқори ракобатбардош бўлган битимлар пакетини тақдим этмоғи лозим.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибасига суюнган ҳолда ва Ўзбекистондаги ҳақиқий вазиятни ҳам ҳисобга олиб, бу муаммони ҳал этишда, диссертантнинг фикрича, қуйидагича ёндошувларни кўллаш лозим:

1. Тармоқдаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун электроэнергетика тармоғида хусусийлаштиришнинг барча усусларидан фойдаланиш лозим.

2. Тармоқ корхоналарини хусусийлаштирилиши мўлжалланаётган корхоналар акцияларининг пакетини 70 фоиз ёки 80 фоизгача бўлган қисмини хусусий инвесторларга сотишига тайёр эканлигини эълон қилиш зарур.

3. Хусусийлаштириш жараённида давлат маълум даражада шу корхоналарнинг эгаси бўлиб қолавериши ва бу давлат мулки «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан эмас, балки бошқа бир агентлик томонидан бошқарилиши керак. Акс ҳолда хорижий инвесторлар бундай вазиятни манфаатларнинг потенциал қарама-қаршилиги сифатида талқин қилишлари мумкин.

Ва ниҳоят, электроэнергетика корхоналарини хусусийлаштириши амалга ошириш учун маҳсус профессионал эксперталар иштирокида Ўзбекистон шароитида кўлланилиши мумкин бўлган хусусийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётни эркинлашуви босқичида электроэнергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири энергетика секторидаги нотўловларга барҳам бериш, тарифлар даражасини ошириш ва самарали фаолият кўрсатишга эришишдир.

Тегишли таҳлил ишларини амалга ошириш натижасида Ўзбекистондаги энергетика секторига хос бўлган квазифискал тақчилликнинг кўйидаги компонентларга эга эканлигини кўриш мумкин:

1. Етказиб берилган электроэнергия учун нотўловларнинг мавжудлиги;
2. Электрэнергия хизматига ўрнатилган тарифлар даражасининг бозор иқтисодиётининг талаблари ва умумэътироф этилган тамойилларга мос келмаётгандиги;
3. Электроэнергия тармоги фаолиятининг етарли даражада самарали эмаслиги.

Юқорида келтирилган иқтисодий катталиклардан фойдаланилган ҳолда энергетика секторига тегишли бўлган квазифискал тақчиллик, эксперталарнинг ҳисоб-китобларига қараганда, куйидагиларга тенг бўлмоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг энергетика секторига тегишли бўлган квазифискал тақчилликнинг компонентлари⁷

(млн. АКШ долларида)

Т.р.	Кўрсатчиchlар	Консерватив баҳо	Консультантнинг ҳисоб-китоблари
1.	Нотўловлар а) газ учун б) электр энергияси учун Жами	143,0 74,0 217,0	109,0 121,0 230,0
2.	Тарифларнинг пастлиги а) газ учун б) электр энергияси учун Жами	191,0 1012,0 1203,0	548,0 1303,0 1851,0
3.	Фойдаланишнинг носамаралилиги а) газ учун б) электр энергияси учун Жами	193,0 216,0 409,0	155,0 301,0 456,0

Айрим хорижлик эксперталарнинг баҳосига кўра энергетикага тегишли бўлган квазифискал тақчилликнинг даражаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 19 фоизига тенг бўлмоқда.

Юқорида келтирилган ракамларга асосланган ҳолда энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг катор устувор йўналишларини белгилаш мумкин:

⁷ Жадвал Жаҳон Банкининг маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилди.

- тармоққа тегишли бўлган нотўловлар муаммосини ҳал этиш;
- тармоқ мақсулотларига нисбатан ўрнатилган тарифларни тартибга солиши;
- эксплуатация килишининг самараасизлигини бартараф этиш;
- электр энергиясини экспорт килиш.

Юкоридагиларни инобатта олган ҳолда энергетика корхоналарининг молиявий баркарорлигини таъминлаши учун, бизнинг фикримизча, мамлакатимиз миқёсида маҳсус Ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим. Диссертация ишида Ҳаракат дастурининг лойиҳаси ишлаб чиқилган.

3. ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида кўйидаги илмий хуносалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон катта бошланғич энергетика ресурсларига эга бўлган мамлакат хисобланганлиги учун иқтисодиётнинг энергетика тармоғи унинг бошқа тармоқларини яширин равишда субсидиялаштириш, аҳолининг эришилган турмуш даражасини ушлаб туриш ва уни қўллаб-куvvатлаш ҳамда мустакил энергетика сиёсати амалга оширилаётган бўлса-да, бу нарса Ўзбекистонга энергетика соҳасида катор муаммоларни вужудга келтириди;

2. Энергетика корхоналарининг молиявий баркарорлигини таъминлашда Ўзбекистон учун мос вариантлардан бири хусусий инвестицияларни хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларнинг бир қисмини сотиш оркали жалб қилиш керак;

3. Энергетика корхоналарининг молиявий баркарорлигини таъминлашда шу корхоналар маҳсулотларининг баҳоларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун, биринчи босқичда, бирламчи энергетика ресурсларининг ва электр энергиясининг баҳоларини эркинлаштириш керак. Бир вақтнинг ўзида параллел равишда энергия ресурслари баҳосини эркинлаштириш билан биргаликда аҳолининг кам таъминланган табакаларини ижтимоий химоя қилишининг ишончли механизмини ҳам яратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Тармоқ корхоналари учун молиявий интизомни кескин яхшилаш ва уни мустахкамлаш улар молиявий баркарорлигини таъминлашнинг йўлларидан биридир. Шунинг учун нотўловларга барҳам бериш мақсадида молиявий йўқотмаларни кескин кисқартириш учун биринчи навбатда, давлат корхоналари томонидан тўловларни амалга ошириш борасидаги вазиятни кескин яхшилаш ва тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган корхоналарга нисбатан электр энергияни жўнатиш бўйича хукукий чекланмаларни олиб ташлаш лозим.

5. Электр энергияси сарфини аниқ ўлчаш имконини берувчи хисоблагичлар барча истеъмолчиларга тўлиқ ўрнатилган, текшириб кўрилган ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий химоя қилиш механизмни самарали фаолият кўрсатаётган, тақдим этилаётган хизматларнинг самарадорлиги кескин яхшиланган, хисоб-китоб

хужжатларини тақдим этиш ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишга эришилгандан сўнг электр энергиясининг тарифини кескин ошириш орқали энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш мумкин.

6. Мамлакатда «Энергетика тўғрисида»ги қонуннинг қабул килиниши, энергетика тармоғининг фаолиятини тартибга солиб турувчи мустақил тартибга соловчи органга асос солиниши, тармок мустақиллиги хукукий асосининг яратилиши ҳам энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашда роль йўнаши мумкин.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Жалилов П.Т. Ҳисобли дўст – айрилмас.// “Жамият ва бошқарув”. – Тошкент, 2006. (Махсус сон). – 58-60-б.

2. Жалилов П.Т. Молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга нотўловлар таъсири. //”Бозор, пул ва кредит”. – Тошкент, 2006. – №11. 46-48-б.

3. Жалилов П.Т. Углубление и приватизация экономических реформ – основное условие обеспечения финансового благополучия энергетических компаний.//Разработка, оценка эффективности и реализация инвестиционных и инновационных проектов. Материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент, “Iqtisod-moliya”, 2006. –с.12-14.

4. Жалилов П.Т. Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. //Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, “Молия”, 2006. 117-119- б.

5. Жалилов П.Т. Ўзбекистонда энергетика тармоғини ривожлантиришнинг баъзи масалалари.// “Бозор, пул ва кредит”. – Тошкент, 2004. – № 10. - 55-56-б.

6. Жалилов П.Т. Тармоқда молиявий барқарорликни таъминлаш зарур.// Иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишининг долзарб муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, USAID, EuropeAid. 2004. – 71-73-б.

7. Жалилов П.Т. Некоторые вопросы развития электроэнергетической отрасли в Узбекистане. // Семнадцатые международные Плехановские чтения: тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков. – М.: изд-во РЭА, 2004. с.191-192.

8. Жалилов П.Т. Молиявий соғломлаштиришдаги янги қадам. // Солик сиёсатини янада тақомиллаштириш – принципиал мухим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2005. – 169-172-б.

9. Жалилов П.Т. Тўловларни ўз вақтида амалга ошириш – давр талаби. // Талаба-ёшлар тадқиқотларида солик тизимини ислоҳ килишнинг илмий асослари. IV илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2005. – 30-33-б.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
П.Т.Жалиловнинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”
ихтинослиги бўйича “Энергетика корхоналарининг молиявий
барқарорлигини таъминлаш масалалари” мавзусидаги
диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: энергетика корхоналари, молиявий барқарорликни таъминлаш, молиявий ҳолат, молиявий коэффициентлар, тарифлар, нотўловлар, инвестициялар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари.

Тадқиқот обьекти: Ўзбекистон Республикаси энергетика корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолияти.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасидаги энергетика корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолаш асосида электроэнергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга каратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқицдан иборат.

Тадқиқот усули: иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, қиёслаш, гурухлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар аниқланган ва уларнинг таъсирчанлигини минималлаштириш чоралари белгиланган; энергетика корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини берувчи йўналишлар гурӯхларга ажратилган, ягона бир тизимга келтирилган ва улар илмий-амалий жиҳатдан асосланган; молиявий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан тармоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва хусусийлаштириш, нотўловларга барҳам бериш, тарифлар даражасини ошириш ва самарали фаолият кўрсатиш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича асосланган илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар асосида ҳозирги шароит ва яқин кўлажакда амал қилиши лозим бўлган Ҳаракат дастурининг лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: «Ўзбекэнерго» тизимида фаолият кўрсатаётган энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда, хусусан, тармоқдаги вазиятни комплекс яхшилаш мақсадида ишлаб чиқиладиган маҳсус Дастурларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот ишида келтирилган таклиф-тавсиялар “Ўзбекэнерго” ДАҚ томонидан фойдаланиш учун қабул қилинган, олий ўқув юртларида “Молия”, “Корхоналар молияси”, “Инвестицияларни молиялаштириш”, “Корхоналар иқтисодиёти” фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Кўлланиши соҳаси: электроэнергетика тизими

РЕЗЮМЕ

диссертации П. Т.Жалилова на тему “Вопросы обеспечения финансовой устойчивости энергетических предприятий” на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: энергетические предприятия, обеспечение финансовой устойчивости, финансовое состояние, финансовые коэффициенты, тарифы, неплатежи, инвестиции, дебиторские и кредиторские задолженности.

Объект исследования: финансово-хозяйственная деятельность энергетических предприятий Республики Узбекистан.

Цель исследования: выработка научных предложений и практические рекомендации по обеспечению финансовой устойчивости электроэнергетических предприятий на основе оценки финансово-хозяйственную деятельность энергетических предприятий Республики Узбекистан.

Методы исследования: экономическая, логическая, научная абстракция, статистический анализ, метод сравнительного анализа, группировка.

Полученные результаты и их новизна: определены факторы, отрицательно влияющие на обеспечение финансовой устойчивости энергетических предприятий и разработаны меры по минимизации их воздействия; разработаны основные направления, обеспечивающих финансовой устойчивость энергетических предприятий в современных условиях и в ближайшей перспективе, они систематизированы и научно-практически обоснованы; с точки зрения обеспечения финансовой устойчивости предприятий отрасли разработаны и обоснованы рекомендации и предложения по углублению экономических реформ и приватизации в отрасли, ликвидации неплатежей, изменению тарифов, осуществлению эффективной деятельности, повышению экспортного потенциала и на их основе подготовлен проект программы Действия в современных условиях и в ближайшей перспективе и т.д.

Практическая значимость: выработанные предложения и рекомендации могут быть применены в решении проблемы обеспечения финансовой устойчивости энергетических предприятий в системе ГАК «Узбекэнерго», в частности, в разработке специальных Программ комплексного улучшения ситуации в отрасли.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные научно-практические предложения и рекомендации приняты к внедрению на предприятиях ГАК “Узбекэнерго”, в процессе обучения в высших учебных заведениях таких учебных курсов, как «Финансы», «Финансы предприятий», «Финансирование инвестиций», «Экономика предприятий».

Область применения: электроэнергетическая система

RESUME**Thesis of P.T. Jalilov**

**on the academic degree competition of the candidate of economic
Science, on specialty 08.00.07 – “Finance, monetary circulation and credit”**

subject: “Matters of financial stability provision of energy enterprises”

Key words: energy enterprises, financial stability provision, financial condition, financial coefficients, tariffs, non payments, investments, receivable and payable bills.

Subjects of the inquiry: Financial and economic activity energy enterprises of Uzbekistan Republic.

Aim of the inquiry: research of level of financial stability in energy enterprises and negatively affecting factors, and thereupon with the taking into account the modern free market requirements to develop scientifically practical recommendations and suggestions for provision of financial stability.

Method of inquiry: economic, logic and scientific abstraction, comparison and the methods of statistical and economic analysis.

The results achieved and their novelty: the negatively affecting factors for provision of financial stability are specified and the recommendations for minimizing their impacts are offered; the main directions for providing the financial stability of energy enterprises in modern conditions and nearest perspectives are developed, they are systemized and scientifically and practically proved; the recommendations and suggestions for deepening the economic reforms and privatization of the field, liquidation of non payments, tariff changes, implementing of effective activity, increasing the export potential are developed and thereupon the program of “Activities in current conditions and nearest future” project is developed etc. in terms of financial stability.

Practical value: The achieved results may be used in the solving the financial stability problems of energy enterprises within the system GAK “Uzbekenergo”, particularly in the development of special programs for complex improvement of the field.

Degree of embed and economic effectivity: the developed scientifically and practically recommendations and suggestions are accepted by enterprises of GAK “Uzbekenergo”

Sphere of usage: electro-energy system

